

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ

ВА

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ

ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН

ҲАВО ҚАТНОВИ ТЎҒРИСИДАГИ

Б И Т И М

Преамбула

- | | |
|----------|---|
| 1-Модда | Атамаларни белгилаш |
| 2-Модда | Парвозга доир ҳуқуқ бериш |
| 3-Модда | Авиакорхонани тайинлаш ва фойдаланиш учун рухсатнома |
| 4-Модда | Фойдаланишга доир рухсатномаларни бекор қилиш ёки
чеклаб қўйиш |
| 5-Модда | Йиғимларни белгилашда тенглик |
| 6-Модда | Божхона божлари ва бошқа йиғимлардан озод қилиш |
| 7-Модда | Даромадларни ўтказиш |
| 8-Модда | Йўналишлардан фойдаланиш услублари |
| 9-Модда | Фойдаланиш ва даврий маълумотларни бериш |
| 10-Модда | Тарифлар |
| 11-Модда | Тижорат фаолияти |
| 12-Модда | Авиация хавфсизлиги |
| 13-Модда | Кириш ва авиаҳужжатлар назорати |
| 14-Модда | Тўғри транзит |
| 15-Модда | Фикрлар алмашуви |
| 16-Модда | Маслаҳатлашувлар |
| 17-Модда | Баҳсларга барҳам бериш |
| 18-Модда | Кўп томонлама конвенциялар |
| 19-Модда | Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотида қайд қилдириш |
| 20-Модда | Аввалги Битимлар |
| 21-Модда | Кучга кириш, амал қилиш муддати |
| 22-Модда | Битим амал қилишини тўхтатиш |

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
ва
Германия Федератив Республикаси Ҳукумати,

1944 йил 7 декабрда Чикагода имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциянинг аъзолари бўлгани ҳолда,

ўзларининг тегишли ҳудудлари ўртасида ва ҳудудларидан ташқарида мунтазам ҳаво қатновини йўлга қўйиш ва уни амалга ошириш тўғрисида Битим тузиш истагида,

қуйидагилар хусусида аҳдлашиб олдилар:

1-Модда
Атамалар

(1) Агар матнда бошқа мазмун кўзда тутилмаган бўлса, ушбу Битимнинг мақсадлари йўлида:

- а) "Фуқаро авиация тўғрисидаги Конвенция" атамаси 1944 йил еттинчи декабрда Чикагода имзолаш учун очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни англатади ва ушбу Конвенциянинг 90-моддасига мувофиқ киритилган ҳар қандай Иловаларни ҳамда ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон учун улар кучга киришига ёки ратификация қилинишига қараб, Конвенциянинг 90 ва 94-моддаларига мувофиқ Иловаларга ва Конвенцияга киритилган ҳар қандай Иловани ва тузатишларни ўз ичига олади;
- б) "авиация маъмурлари идораси" атамаси Ўзбекистон Республикасига нисбатан Фуқаро авиацияси Бош директорини ва Германия Федератив Республикасига нисбатан Федерал транспорт вазирлигини ёки ҳар иккала Томонга нисбатан юқорида уқтириб ўтилган ташкилотлар бажарадиган ишларни амалга ошириш ваколати берилган ҳар қандай шахс ёки ташкилотни англатади;
- с) "тайинланган авиакорхона" атамаси 3-моддага мувофиқ бир Аҳдлашувчи Томоннинг иккинчи бир Аҳдлашувчи Томонга ёзма

равишда тайинлаган, ушбу Битимнинг 2-моддаси 2-бандига мувофиқ белгиланган йўналишларда халқаро ҳаво қатновини амалга ошириши лозим бўлган ҳар қандай авиация корхонасини англатади;

(2) "давлат ҳудуди", "ҳаво қатнови", "халқаро ҳаво қатнови" ва "нотижорий мақсадларда қўниш" атамалари ушбу Битимга нисбатан қўлланилганда Фуқаро авиацияси Конвенциясининг 2 ва 96-моддаларида уларга белгиланган маъноларга эга бўлади;

(3) "тариф" атамаси (икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудлари ўртасидаги манзиллар оралигида) халқаро йўловчилар, йўловчилар юклари ва юк ташиш учун (почтани ҳисобга олмаганда) олинадиган тўловларни англатади ва у ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) бошқа тарифларни ёки халқаро йўналишларнинг таркибий қисми бўлган халқаро ва ички йўналишларнинг тарифларини ёки ундан кейинги тарифларни қўллаш орқали тузилган мамлакатоша тарифларни ўз ичига олган ҳолда сотилиш бозорига таклиф қилинган ва айнан шунингдек сотилаётган халқаро ташувга тўланадиган мамлакатоша ҳар бир тарифни ёки миқдорни;

б) йўловчилар ва йўловчиларнинг юкларини ташиш учун сотиладиган авиачипталарга ҳақ тўлаш ёки юкни ташишдаги тегишли хизматлар тўлови воситачилик ҳақларини;

с) тарифларни қўллашнинг ёки ташув нархи ёки воситачилик ҳақини белгилаш қоидаларини;

Шунингдек, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

д) ташув билан ўзаро алоқада бўлган барча мавжуд хизматларни;

е) мамлакат ичида ташиш учун бўлган ҳар бир тарифни (халқаро ташувга қўшимча равишда сотилган), бу нарса ички йўналишларда мустасно тариқасида мавжуд эмас ва худди шунингдек шароитларда барча авиакомпанияларга ва халқаро ҳаво қатновидаги уларнинг харидорларига берилиши мумкин эмасдир.

2-Модда

Парвозга доир ҳуқуқлар бериш

(1) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналарига халқаро ҳаво қатновини амалга ошириши учун қуйида келтирилган ҳуқуқларни беради:

- а) унинг ҳудудидан қўнмаган ҳолда учиб ўтиш;
- б) унинг давлат ҳудудида нотижорий мақсадларда қўниш;
- с) ушбу Модданинг 2-бандига мувофиқ белгиланган йўналишлардаги манзилларда тижорий мақсадларда йўловчилар, йўловчилар юки, юк ва почтани олиш ёки тушириш мақсадларида қўниш.

(2) Аҳдлашувчи Томонлар тайинланган авиакорхоналарининг йўналишлар бўйича халқаро ҳаво қатновини амалга ошириш ҳуқуқи Парвозлар жадвалида ноталар айирбошлаш йўли билан белгиланади.

(3) Ушбу Модда 1-бандининг қоидалари бир Аҳдлашувчи Томонга ҳақ ёки мукофот эвазига бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида ўша бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидаги бошқа бир манзилига бориш учун мўлжалланган, йўловчи ва почтани ўз ичига олган ҳолда, юк ташиш (каботаж) имтиёзини беради деб ҳисобланмаслиги лозим.

(4) Ушбу Модданинг 1-бандига мувофиқ ташув ҳуқуқининг берилиши шу ҳуқуқни берган Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидаги манзиллар ва учинчи мамлакатнинг давлат ҳудудидаги манзиллар орасида ва қайтиш йўналишида йўловчилар, йўловчилар юклари, юк ва почта ташиш (5-ҳаво эркинлиги ҳуқуқи) ҳуқуқини ўз ичига олмайди. 5-ҳаво эркинлиги ҳуқуқи ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари Идоралари ўртасидаги махсус келишув асосида берилиши мумкин.

3-Модда

Авиакорхонани тайинлаш ва фойдаланиш учун рухсатнома

(1) Ушбу Битимнинг 2-модда 2-бандига мувофиқ белгиланган халқаро ҳаво қатнови исталган вақтда бошланиши мумкин, башарти-ки,

- а) ушбу Битимнинг 2-модда 1-бандига мувофиқ ташиш ҳуқуқи

берилган Аҳдлашувчи Томон ёзма равишда бир ёки бир неча авиакорхонани тайинласа, ва

b) бундай ҳуқуқларни бераётган Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхона ёки авиакорхоналарга парвозлар учун рухсатнома берган бўлса.

(2) Ушбу Битимнинг 9-моддаси ва ушбу модданинг 3 ва 4-банди қоидаларига риоя қилинган ҳолда бундай ҳуқуқларни бериши лозим бўлган Аҳдлашувчи Томон халқаро ҳаво қатновининг амалга оширилиши учун зудлик билан рухсатнома беради.

(3) Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасидан шу биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг халқаро ҳаво қатновини амалга оширилишида қонунлар ва бошқа қоидалар бўйича бажарилиши лозим бўлган талаблар даражасига мувофиқ эканлиги исботини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

(4) Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига устун даражада эгалик қилиш ёки унинг устидан ҳақиқий назорат қилиш шу бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг фуқароларига ёки юридик шахсларига ёхуд унинг ўзига тегишли эканлигини исботловчи далилларни ундан талаб қилинган пайтда кўрсата олмаган тақдирда 2-моддага мувофиқ берилган ҳуқуқлардан фойдаланишни инкор этиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Европа Иттифоқи олдидаги Германия Федератив Республикасининг ҳуқуқий мажбуриятлари боис, бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай ҳуқуққа фақат шу ҳолда эга бўлади, башартики, Германия Федератив Республикасининг тайинланган авиакорхонаси шу корхонага устун даражада эгалик қилиш, Европа Иттифоқининг аъзо давлатига ёки фуқароларига ёхуд шундай аъзо давлатларнинг юридик шахсларига тегишли эканлигини ва унинг устидан ҳақиқий назорат қилиш ҳуқуқи шундай давлатга ёки унинг фуқароларига ёхуд унинг юридик шахсларига тегишли эканлигини ундан талаб қилинган вақтда исботлай олмаса.

(5) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Модданинг 1-4 бандларига мувофиқ равишда тайинланган авиакорхонасини бошқа бири билан алмаштириш ҳуқуқига эгадир. Янги тайинланган авиакорхона айнан шу ҳуқуқларга эга бўлади ва ўрнини эгаллаган корхонанинг мажбуриятларини бажариши лозим.

4-Модда

Фойдалянишга доир рухсатномаларни бекор қилиш ёки чеклаб қўйиш

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналари ҳуқуқларни берган Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига риоя этмаган ҳар қандай ҳолда, ёхуд ушбу Битим қоидаларига ва улардан келиб чиқаётган мажбуриятларга риоя қилмаган ҳолларда, бошқа Аҳдлашувчи Томон 3-модданинг 2-бандига мувофиқ берилган парвозга доир рухсатномаларни бекор қилиши ёки уларнинг амал қилишини чеклаб қўйиш ҳуқуқига эгадир. Агар зудликдаги парвоз ваколатларини бекор қилиш ёки чекланишларни белгилаш қонун ва қоидаларнинг бундан буён яна бузилиши олдини олиш учун зарур деб топилмаса, ушбу бекор қилиш ёки чекланишлар қўйишдан олдин ушбу Битимнинг 16-моддасига мувофиқ маслаҳатлашувлар ўтказилиши лозим.

5-Модда

Йиғимларни белгилашда тенглик

(1) Бир Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида тайёрагоҳлар ёки бошқа ҳаво навигацияси воситаларидан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳар бир тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемаларидан фойдаланганлик учун олинадиган йиғимлар ҳудди шунингдек халқаро парвозларни амалга ошириш вақтида ўз ҳаво кемаларидан олинадиган йиғимлардан юқори бўлмаслиги лозим.

(2) Ўзбекистон Республикасида эркин алмашланадиган пул бирлиги киритилгунга қадар ушбу модданинг 1-бандида белгиланган йиғимлар ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти тавсияси асосида белгиланган тариф ва қийматлар асосида олинади.

6-Модда

Божхона божлари ва бошқа йиғимлардан озод қилиш

(1) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси томонидан фойдаланилаётган, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига учиб кирадиган ва яна қайтиб учиб чиқиб кетадиган ёки уни кесиб ўтадиган ҳаво кемалари, ундаги ёқилғи, мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, рўйхатдаги мулк ва борт заҳираларини ўз ичига олган ҳолда кириш, чиқиш ва транзит ўтиш вақтида божхона божлари ва бошқа йиғимлардан озод қилинади. Бу қоида, шунингдек, ҳаво кемаларида бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудуди устидан парвозлар вақтида ишлатиладиган буюмларга ҳам тегишли бўлади.

(2) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемалари келганидан сўнг ёки тахланганидан сўнг белгиланиши лозим бўлган ёхуд бошқа мақсадларда олинган ёки қайсидир бошқа бир йўл билан биринчи Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши лозим бўлган вақтинчалик муддатга олиб кирилган ёқилғи, мойлаш маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар ушбу Модданинг 1-бандида кўрсатилган божхона божлари ва бошқа йиғимлардан озод қилинади. Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси томонидан бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудига олиб кирилган реклама маҳсулотлари ва ташув ҳужжатлари ўша ҳудудга олиб кирилиш вақтида ушбу Модданинг 1-бандида белгиланган бож ва бошқа йиғимларлардан озод қилинади.

(3) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси ҳаво кемаларига бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида олинган ва халқаро ҳаво қатновида ишлатиладиган ёқилғи ва мойлаш маҳсулотлари ушбу Модданинг 1-бандида кўрсатилган бож ва бошқа йиғимлардан, шунингдек, фойдаланишда олиниши мумкин бўлган махсус солиқлардан озод қилинади.

(4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Модданинг 1-3 бандларида кўрсатилган буюмларни божхона назорати остида ушлаб туриши мумкин.

(5) Ушбу Модданинг 1-3 бандларида кўрсатилган божхона божлари ва

бошқа йиғимлардан озод қилинган буюмларга уларни олиб киришда, олиб чиқишда ва транзит ташуви пайтида уларга қўлланиладиган иқтисодий таъқиқ ва бошқа чеклашлар тегишли бўлмайди.

(6) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзаро тенглик ҳуқуқи асосида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига етказиб бериладиган ва тижорат фаолиятини амалга оширишда қўл келадиган буюмлар ва хизматларнинг айланишидан олинадиган ёки шунинг сингари бавосита солиқлардан озод қилиш ҳуқуқини беради. Солиқлардан озод қилиш аввалдан озод қилиш йўли билан ёки тўланган солиқларни қайтариш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

7-Модда

Даромадларни ўтказиш

Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа бир Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган ҳар бир авиакорхонасига унинг давлат ҳудудида ҳаво қатновини амалга оширишдаги транспорт хизматларини сотишдан тушган даромадни эркин алмашланадиган пул бирлигида расмий алмашув қиймати бўйича ўзининг бош идорасига исталган вақтда эркин ва ҳеч қандай чекловларсиз ўтказиш ҳуқуқини беради.

8-Модда

Йўналишлардан фойдаланиш принциплари

- (1) Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бир тайинланган авиакорхонасига ушбу Битим 2-моддасининг 2-бандида белгиланган йўналишлардан фойдаланишда тенг ва ҳаққоний имкониятлар берилиши лозим.
- (2) Ушбу Битимнинг 2-моддаси 2-бандига мувофиқ белгиланган йўналишларда халқаро ҳаво қатновини амалга ошириш жараёнида ҳар қайси Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонаси ўзидан келин айланиш шу йўналиш ёки унинг маълум бир қисми бўйича парвозларни амалга ошираётган бошқа авиакорхонага ноодил зиён етказмаслик мақсадида унинг манфаатларини назарда тутган ҳолда иш юритиши лозим.
- (3) 2-модданинг 2-бандига мувофиқ белгиланган йўналишлар бўйича

амалга оширилаётган халқаро ҳаво қатнови биринчи ўринда корхоналарни тайинлаган Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудидан ва давлат ҳудудига мўлжалланган авиаташув эҳтиёжларини таъминлаш учун хизмат қилиши лозим. Ушбу Битим 2-модданинг 2-банди бўйича бир Аҳдлашувчи Томоннинг давлат ҳудудида ва учинчи давлатлар ҳудудларидаги манзиллар ўртасида авиаташувларни амалга ошириш ҳуқуқи халқаро ҳаво қатновининг бошқариб туриладиган тараққиёти манфаатларида фойдаланилиши лозимки, бунда ҳажм:

а) авиакорхонани тайинлаган Аҳдлашувчи Томон давлат ҳудудида ва давлат ҳудудидан ташқарида бўлган авиаташув эҳтиёжига,

б) маҳаллий ва ноҳиявий ҳаво қатновларини ҳисобга олган ҳолда авиайўналиш ўтадиган ноҳиялардаги авиаташувга бўлган мавжуд эҳтиёжга,

с) транзит ўтадиган авиайўналишлардан рентабелли фойдаланиш талабларига қараб мувофиқлаштирилади.

(4) Ҳар бир тайинланган авиакорхонанинг тенг ва ҳаққоний шароитларда ишлашини таъминлаш мақсадида парвозларнинг тезкорлиги, ҳажмига нисбатан ҳаво кемаларининг тури, шунингдек, парвозлар жадвали Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари Идоралари томонидан тасдиқланиши лозим.

(5) Зарурат туғилганда, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари Идоралари авиатранспортнинг таклиф қилинадиган ҳажми ва парвозлар тезкорлигини қониқарли даражада мувофиқлаштиришга эришиш учун саъй-ҳаракат қилишлари лозим.

9-Модда

Фойдаланиш ва даврий маълумотларни бериш

(1) Ҳар бир тайинланган авиакорхона ушбу Битим 2-модда 2-бандида белгиланган йўналишлар бўйича ҳаво қатновларини бошлашдан камида бир ой аввал, шунингдек, парвозларнинг кейинги ҳар бир мавсумий жадвалидан аввал кўрсатиладиган хизматларнинг тавсифи, мўлжалланаётган ҳаво кемаларининг тури ва парвозлар жадвали тўғрисида Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари Идораларини хабардор

қилиши лозим. Кисқа муддатли ўзгаришлар хусусида зудлик билан билдирилиши лозим..

(2) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари Идораси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари Идорасига, унинг илтимосига биноан, ушбу Битим 2-модда 2-бандида белгиланган йўналишлар бўйича бир Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонасининг таклиф қилинган ҳажмларини текшириш учун оқилона меъёрларда талаб қилиниши мумкин бўлган тайинланган авиакорхона бўйича барча даврий ёки бошқа ҳисобот маълумотларини беради. Мазкур маълумотлар ташиш ҳажмини аниқлаш учун зарур бўлган барча ахборотни, шунингдек, парвозларнинг бошланғич ва белгиланган манзилларини ўз ичига олиши лозим.

10-Модда

Тарифлар

(1) Ушбу Битим 2-модда 2-бандида белгиланган йўналишлар бўйича йўловчилар ташишда тайинланган авиакорхона қўллайдиган тарифлар жўнаш манзили давлат ҳудудида жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг (ташув ҳужжатларидаги маълумотларга мувофиқ) авиация маъмурлари идораси томонидан тасдиқланиши лозим.

(2) Тайинланган авиакорхоналар ўз тарифларида фойдаланиш ҳаражатлари, оқилона фойда, мавжуд рақобат ва авиаташув харид қилинадиган бозор шароитлари, шунингдек, транспорт фойдаланувчиларининг манфаатларини ҳисобга оладилар. Авиация маъмурларининг ваколатли идораси фақат тарифлар бу мезонларга мувофиқ бўлмаган ҳолдагина уни маъқулламаслик ҳуқуқига эга.

(3) Тайинланган авиакорхоналар тарифларни улар жорий этилиши мўлжалланган кундан бир ойдан кам бўлмаган муддат аввалроқ авиация маъмурлари Идораларига тақдим этадилар.

(4) Мабодо, бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари Идораси унга тақдим этилган тарифга норози бўлса, у бу тариф тақдим қилинган кундан бошлаб 21 кун ичида бу тўғрида тегишли корхонани хабардор этиши лозим. Бу ҳолда, тақдим этилган тарифни қўллашга рухсат этилмайди. Янги тариф билан алмашилиши лозим бўлган аввал-

ги тарифни қўллаш давом этавериши мумкин.

11-Модда Тижорий фаолият

(1) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тенг ҳуқуқли асосда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонасига шу тайинланган авиакорхонага зарур бўлгани боис, ўз давлат ҳудудида ўзининг бошқарув, тижорий ва техник ходимлари бўлган бўлимларини ушлаб туриш ҳуқуқини беради.

(2) Ушбу Модда 1-бандида белгиланган бўлимларни таъсис этиш ва ходимларни иш билан таъминлаш вақтида тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг қонунларига ва бошқа қоидаларига, шунингдек, тегишли Аҳдлашувчи Томоннинг чет эл фуқароларининг ўз давлат ҳудудига келиши ва унда бўлиб туришини белгилайдиган қонунлар ва бошқа қоидаларига риоя қилиниши лозим. Бу ҳолда, ушбу Модданинг 1-бандига мувофиқ очилган бўлимда банд бўлган ходимларга ишлаш учун рухсатнома талаб қилинмайди.

(3) Бир Аҳдлашувчи Томон тенг ҳуқуқли асосда бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган ҳар бир авиакорхонасига шу тайинланган авиакорхона учун бўлган ёки бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа корхоналари учун бўлган йўловчилар, йўловчилар юки, юк ва почтага мустақил хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради. Бу ҳуқуқ тайёрагоҳларнинг имтиёзли ҳуқуқи бўлган ер юзасида хизмат кўрсатишни (ҳаво кемаларига ер юзида хизмат кўрсатиш) ўз ичига олмайди.

(4) Бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳар бир тайинланган авиакорхонасига ўз давлат ҳудудида ҳар қандай харидорга ҳар қандай пул бирлигида ўзининг шахсий сотув манзиллари ва бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги ваколатхоналари орқали ўзининг шахсий ташув ҳужжатлари асосида ташув хизматларини сотиш ҳуқуқини беради.

12-Модда

Авиация хавфсизлиги

(1) Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳуқуқлардан келиб чиқадиган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига мувофиқ ғайриқонуний аралашув ҳатти-ҳаракатларидан фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлашга доир зиммага оладиган ўзаро мажбуриятлари ушбу Битимнинг ажралмас қисми эканлигини бир-бирларига тасдиқлайдилар. Аҳдлашувчи Томонлар халқаро ҳуқуққа доир ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг умумий йўналишларини чекламаган ҳолда иккала томонга тааллуқли бўлган, 1963 йил 14 сентябрда Токиода имзоланган Ҳаво кемаларида содир этиладиган жиноятчилик ва бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги Конвенция, 1970 йил 16 декабрда Гаагада имзоланган Ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, ҳамда 1971 йил 23 сентябрда Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатлар билан кураш ҳақидаги Конвенция, 1971 йилнинг 23 сентябрида Монреалда имзоланган Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатлар билан кураш ҳақидаги Конвенцияга қўшимча сифатида 1988 йил Монреалда имзоланган Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи тайёрагоҳларда содир этиладиган қўпоровчилик ҳаракатларига қарши кураш Баённомаси қондаларига мувофиқ ҳаракат қиладилар.

(2) Аҳдлашувчи Томонлар талабга биноан ҳаво кемасини ғайриқонуний тутқун қилишнинг, ҳаво кемасига, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига, тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситаларига хавф туғдирувчи бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг, шунингдек, фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид қилишнинг ҳар қандай кўринишини олдини олишда бир-бирларига барча зарурий ёрдамни кўрсатадилар.

(3) Башарти, фуқаро ҳаво кемаси тутқун қилиб олинса ёки уни тутқун қилиш содир этилса ёки ноқонуний аралашув бошқа бирон ҳаракатининг таҳдиди мавжуд бўлса ёки ҳаво кемаси, ундаги йўловчилар ва экипаж аъзоларига тайёрагоҳлар ва қатновни таъминлаш воситалари хавфсизлигига бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинса, Аҳдлашувчи Томонлар алоқани енгиллатиш орқали

бир-бирларига турлича кўмак берадилар ва бундай кўнгилсизлик ёки таҳдидга жадал, ҳамда бешикаст барҳам беришнинг барча зарур чора-тадбирларини кўрадилар.

(4) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон унинг давлат ҳудудида ер юзасида турган, ноқонуний равишда тутқун қилинган ёки ҳуқуқни пой-мол қилувчи бошқа ҳаракатларнинг жабрланувчиси бўлган ҳаво кемаси ушлаб қолиниши учун амалга оширилиш мумкин бўлган барча чора-тадбирларни кўрадилар, башарти-ки, унинг парвози экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ҳаётини сақлаб қолиш йўлидаги кечиктириб бўлмайдиган мажбурият бўлмаса. Имкониятга қараб, бундай чора-тадбирлар ўзаро маслаҳатлашувлар асосида кўрилади.

(5) Аҳдлашувчи Томонлар ўзаро муносабатларида авиация хавфсизлиги қоидалари ўзларига нисбатан ҳам қўлланилишини назарда тутиб, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти томонидан белгиланган ва Халқаро фуқаро авиацияси бўйича Конвенцияга илова этиб белгиланган авиация хавфсизлиги тартибларига мувофиқ иш кўрадилар; улар асосий фаолият жойи ёки доимий турар жойи ўз ҳудудларида жойлашган ҳаво кемаларининг ва халқаро тайёрагоҳларнинг фойдаланувчиларидан, шунингдек унинг давлат ҳудудидаги тайёрагоҳлардан фойдаланувчи ширкатлардан авиация хавфсизлигининг юқоридаги қоидаларига мувофиқ иш кўришларини талаб қиладилар.

(6) Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири ҳаво кемасидан фойдаланувчиларга нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаси ўз ҳудуди chegarаларига кириб келаётганида, ундан чиқиб кетаётганида ёки унда бўлиб турган вақтида ушбу модданинг юқоридаги 5-бандида уқтирилган авиация хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини талаб қилиши мумкин. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳаво кемаларини ҳимоя қилиш ва йўловчиларни, экипаж аъзоларини, йўловчи юки, юклар ва рўйхатдаги мулкни ортиш ва тушириш вақтида текшириш учун ўз ҳудуди доирасида самарали чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг, башарти, аниқ таҳдид мавжуд бўлса, оқилона доираларда хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус чора-тадбирлар кўришга доир илтимосларини ҳам ҳайрихоҳлик билан қараб чиқади.

(7) Башарти-ки, Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу моддадаги авиа-

ция хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаса, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурлари ўша Аҳдлашувчи Томоннинг авиация маъмурларидан кечиктириб бўлмайдиган маслаҳатлар ўтказилишини талаб қилиши мумкин. Башарти, бундай талаб тушган вақтдан бошлаб бир ой ичида масаланинг қониқарли равишда ҳал қилинишига эришилмаса, бу бир Аҳдлашувчи Томоннинг бир ёки бир неча авиакорхоналарига берилган парвозга доир рухсатномани бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ёки чеклаб қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади ёки парвозга доир рухсатнома маълум шартлар билан боғлиқ бўлиб қолади. Башарти-ки, Ҳавоқулодда ҳоллар буни талаб қилса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бу бир ойлик муддатнинг тугашидан олдин тегишли чораларни кўриб қўйишлари мумкин.

13-Модда

Кириш ва авиаҳужжатлар назорати

(1) Бир Аҳдлашувчи Томоннинг тавсиясига биноан бошқа Аҳдлашувчи Томон, ҳар икки мамлакатда ҳаво қатновини амалга ошириш ҳуқуқидан фойдаланувчи авиакорхоналарга тавсия қилувчи бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига кириш ёки транзит билан ўтиш учун талаб қилинадиган авиаташув ҳужжатлари бўлган йўловчиларнигина ташишни таъминловчи чораларни кўришга рухсат беради.

(2) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон киришга ҳуқуқи бўлмаган деб топилганлиги боис, белгиланган манзилга қўйилмаган шахсни текширув учун қабул қилади, башарти-ки, ушбу шахс ўзининг парвозига қадар мазкур Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида тўғри транзитда бўлмаган бўлса. Аҳдлашувчи Томонлар бундай шахсни аввалдан киришга ҳуқуқи йўқ деб топилган мамлакатга қайтариб йўналтирмайдилар.

(3) Бу ҳолат маъмурларга мамлакатга киришга ҳуқуқи йўқ деб топилган шахсни у мазкур давлатга қабул қилиниши мумкинлигини белгилаш мақсадида ёки ушбу шахсни давомли ташувга қабул қилиш чорасини кўриш, мамлакатдан олиб чиқиб кетиш ёки у фуқаролигига эга бўлган ёки қандайдир бошқа бир сабабларга кўра қабул қилиниши мумкин бўлган мамлакатга чиқариб юбориш чораларини кўриш учун бундан кейинги текширувни ўтказишга ҳалақит бермайди. Киришга ҳуқуқи йўқ

деб топилган шахс ўз ташув ҳужжатларини йўқ қилиб юборган тақдирда, Аҳдлашувчи Томон уларнинг ўрнига унинг киришга ҳуқуқи йўқ деб топилган жой Аҳдлашувчи Томон маъмурлари томонидан берилган учиш ва қўниш ҳолатларини тасдиқловчи ҳужжатни тан олади.

14-Модда **Тўғри транзит**

Ҳар қандай Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидан тўғри транзит билан ўтувчи ва шу мақсадда тайёрагоҳ ҳудудида ажратилган жойни тарк этмайдиган йўловчилар, уларнинг юки ва юklar агар авиация хавфсизлигини таъминлаш чоралари бунга тақазо этмаса, шунчаки кўздан кечиришдан ортиқ бўлган назоратга асос бўлмайди. Йўловчилар юки, юк ва почта тўғри транзит орқали ўтганда божхона божлари ва бошқа шунинг сингари солиқлардан озод қилинади.

15-Модда **Фикрлар алмашуви**

Зарурат туғилганда, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиация маъмурлари Идоралари ўртасида ушбу Битимни қўллаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва барча саволлар бўйича ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш мақсадида фикрлар алмашиб турилади.

16-Модда **Маслаҳатлашувлар**

Ушбу Битимга ёки Парвозлар жадвалига ўзгартириш киритишни муҳокама қилиш учун ҳар бир Аҳдлашувчи Томон исталган вақтда маслаҳатлашувлар ўтказишни талаб қилиши мумкин. Худди шу нарса ушбу Битимни қўллашни муҳокама қилишга ёки талқин қилишга ҳам тегишли бўлади, башарти-ки, бир Аҳдлашувчи Томоннинг фикрига биноан, 15-моддага мувофиқ ўтказиладиган фикрлар алмашинуви қониқарли натижалар бермаса. Маслаҳатлашувлар бошқа Аҳдлашувчи Томон тавсияномани олганидан сўнг, икки ойлик муддат ичида бошланиши лозим.

17-Модда

Баҳсларга барҳам бериш

(1) 16-моддага мувофиқ ушбу Битимни қўллаш юзасидан келиб чиққан номутаносибликни барҳам этиб бўлмаса, мазкур баҳс бир Аҳдлашувчи Томоннинг талабига биноан ҳакамлар ҳайъатига оширилади.

(2) Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир аниқ ҳолда қуйидагича ташкил этилиши мумкин: ҳар бир Аҳдлашувчи Томон биттадан ҳакамни тайинлайди, бу икки ҳакам эса суднинг раиси борасида келишиб оладилар, у учинчи давлатнинг фуқароси бўлиши лозим ва уни Аҳдлашувчи Томонлар тайинлайдилар. Ҳакамлар ҳайъатининг аъзолари икки ой давомида тайинланадилар, унинг раиси эса, бир Аҳдлашувчи Томоннинг бошқа бир Аҳдлашувчи Томонни баҳсни ҳакамлар ҳайъатига ошириш нияти тўғрисида хабардор этганидан сўнг уч ой мобайнида тайинланади.

(3) Башарти, ушбу Модда 2-бандида белгиланган муддатга амал қилинмаса, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон, бошқача келишув бўлмаган тақдирда, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти кенгаши Президентига тайинлашларни амалга ошириш учун мурожаат қилиши мумкин. Агарда, Президент Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг фуқароси бўлса ёки у бошқа бир сабабларга кўра тайинлашларни амалга ошира олмаса, унинг ўринбосари - Вице-президент буни амалга оширади.

(4) Ҳакамлар ҳайъати кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади. Унинг қарорлари Аҳдлашувчи Томонлар учун мажбурийдир. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз ҳаками ҳамда ҳакамлар судидаги вакиллар харажатларини ўзи кўтаради; раиснинг харажатлари, шунингдек, бошқа харажатларни Аҳдлашувчи Томонлар тенг кўтарадилар. Бошқа масалаларда ҳакамлар ҳайъати ўз жараёнларини ўзи белгилайди.

18-Модда

Кўп томонлама конвенциялар

Аҳдлашувчи Томонлар қабул қилган ҳаво қатнови тўғрисидаги кўптомонлама конвенция кучга кирган ҳолда, мазкур конвенция қоидалари устивор кучга эгадир. Кўп томонлама конвенция мазкур Би-

тимнинг амал муддатини тўхтатиши, алмаштириши, ўзгартириши ёки тўлдириши масаласининг муҳокамаси ушбу Битимнинг 16-моддасига мувофиқ ўтказилади.

19-Модда

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотида қайд қилиш

Ушбу Битим ва унга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар ва ҳар қандай нота айирбошлаш ушбу Битим 2-модда 2-бандига мувофиқ қайд этилиши учун Фуқаро авиацияси халқаро ташкилотига юборилади.

20-Модда

Аввалги Битимлар

Ушбу Битим кучга кириши билан 1971 йилнинг 11 ноябрида Германия Федератив Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида тузилган Ҳаво қатнови тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасига нисбатан ўз кучини йўқотади.

21-Модда

Кучга кириш, амал қилиш муддати

(1) Ушбу Битим, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг кучга кириши учун лозим бўлган давлат ички қонунчилик зарурий тартиб-тини тўла-тўқис бажарганлиги тўғрисида дипломатик воситалар орқали ёзма равишда хабар берган кундан бошлаб, бир ой ўтгандан сўнг кучга киради.

(2) Ушбу Битим чекланмаган муддатга тузилмоқда.

22-Модда

Битим амал қилишини тўхтатиш

Аҳдлашувчи Томонлардан исталган бири ҳоҳлаган вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ушбу Битимни амалдан тўхтатиш истагида эканли-

ги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни хабардор қилиши мумкин; бундай хабарнома бир вақтнинг ўзида Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти кенгашига ҳам юборилиши лозим. Бу ҳолатда, хабарнома юборилгандан кейин бошқа Аҳдлашувчи Томон уни олгач, ушбу Битим 12 ой ичида амал қилишдан тўхтайти, башарти, мазкур хабарнома ўзаро келишув асосида шу муддат тугагунга қадар орқага қайтариб олинмаса. Башарти, бошқа Аҳдлашувчи Томон хабарнома олганининг тасдиғи бўлмаса, Фуқаро Авиацияси Халқаро Ташкилоти хабарнома олганидан кейин 14 кун ўтгач, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тасдиғи олинган деб ҳисобланади.

1995 йил "16" ноябрда Бонн шаҳрида ўзбек, немис ва рус тилларида икки асл нусхада тузилди, барча матнлар кучга эгадир. Ўзбекча ва немисча матнлар турлича талқин қилинган тақдирда рус тилидаги матн устивор даражада қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати учун



Германия Федератив Республикаси
Ҳукумати учун

